

«Hilol-Nashr» нашриётида тажвидли Мусхафи шариф нашр қилинмоқда



10:00 / 16.06.2021 3318

«Hilol-Nashr» нашриётида «Дорул Маърифа» нашриётининг нусхаси асосида тайёрланган Мусхаф чоп қилинмоқда. Ушбу Мусхафи шариф аввалги нашр қилинган Мусхафлардан тажвидли экани билан фарқ қилади. Унинг саҳифалари остида ҳар бир ранг қайси тажвид қоидасига ишора қилиши ўзбек ва рус тилларида ёзилган. Шунингдек, саҳифа четида сура номи ва QR-code бор. Бу QR-code ни сканерлаш орқали шу бетдаги оятларнинг ўзбек тилидаги маънолар таржимасини (**шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўқиганлар**) тинглашингиз, қироат устозлари: **Абдулбосит Абдуссомад, Халил Хусорий, Муҳаммад Сиддиқ Миншави** ва **Саъд Ғомидий**ларнинг тиловатидан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Image not found or type unknown



Саҳифаларининг оятлар ёзилган қисми оқ, четлари сариқ рангда.

Мусҳафнинг аввали ва охирида Мусҳаф ҳақида маълумот, ундан фойдаланиш бўйича йўриқнома ва Мусҳаф ёзуви бугунги кўринишга келгунча қандай босқичлардан ўтгани ҳақида суратли маълумот берилган.

Image not found or type unknown

